КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш



# ХАЛҚ УЧУН КЎПЛАБ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

## Сифат ва масъулият

КПСС XXVII съездида ўн иккинчи беш йилликда мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол буюмларини кўпайтириш, сифатни яхшилаш бўйича олдинга катта вазифалар қўйилди. Бунда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва реализация қилиш муаммоларини ҳал этишда саноат ва савдонинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш назарда тутилади. Буюмлар сифатини энг яхши жаҳон намуналари даражасига етказиш долзарб вазифалардан қилиб қўйилди. Дарҳақиқат, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси программасида жуда тўғри таъкидланганидек, бугунги кунда «Маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини бутун чоралар билан ошириш вазифаси партия иқтисодий сиёсати ва бутун амалий иши марказига қўйилмоқда. Совет маҳсулоти илмий тафаккурнинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштириши, энг юксак техникавий, иқтисодий эстетик талабларга ва бошқа истеъмол талабларига мос келиши, жаҳон бозорида рақобат қилишга қодир бўлиши лозим. Унинг сифатини ошириш— мамлакатнинг зарур буюмларга бўлган эҳтиёжини ва аҳолининг хилма-хил товарларга ошиб бораётган талабини янада тўлароқ қондиришнинг ишончли йўлидир».

Ўн иккинчи беш йилликда мамлакатимизда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни 1,3 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу вазифанинг ҳал этилишига бутун республикамиз ва унинг йирик асосий индустриал маркази бўлган Тошкент саноат корхоналари коллективлари муносиб ҳисса қўшишлари лозим. Кейинги пайтларда шаҳар корхоналарида харидорбоп буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича анча ишлар қилинди. Ҳозир шаҳар саноатида 127 хил буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Бу борада айниқса «Ташэлектромаш», агрегат, чинни заводлари, «Қизил тонг» тикув, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари дурустгина ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу корхоналарда маҳсулотнинг асосий қисми беш қиррали белги билан тайёрланмоқда.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси хотин-қизлар учун пальтолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бирлашмада ҳозир ҳар йили бир миллион донага яқин буюм тайёрланмоқда. Коллектив техника тараққиёти йўлини изчил давом эттириш, технологияни такомиллаштириш, тикувчиларнинг касб маҳоратини ошириш ва харидорлар талабини қатъий ҳисобга олиш асосида буюмлар харидоргирлигини тинмай ошириб боряптилар. Коллектив Тошкент Марказий универсал магазини билан тузилган шартномага биноан размерлар ва баландлик бўйича шкалаларга тўла риоя қилган ҳолда, кенгайтирилган ассортиментда юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олган. Шартнома баҳоси бўйича истиқбол моделларига алоҳида эътибор берилади. Улар Марказий Универсал магазинида харидорларга ҳавола қилинади ва кўпчиликка маъқул бўлса у ҳолда буюм бадиий кенгашга қўйилади. Бу ерда «Н» (Янгилик) индекси билан ишлаб чиқариш учун тасдиқланади.

Аммо буюмлар сифати масаласи шаҳарнинг ҳамма корхоналарида ҳам кўнгилдагидек ҳал эгиляпти деб бўлмайди. Жумладан, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводи, «Ташавтоматика» заводи, 1 ва 2-пойафзал фабрикалари, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси каби корхоналарда стандарт талабларга жавоб бермайдиган буюмлар ишлаб чиқариш ҳамон давом этмоқда. Оқибатда бу корхоналарда белгиланган план ва мажбуриятларни бажаришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Масалан, 1-пойафзал фабрикасини олайлик. Корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича биринчи квартал планини бажара олмади. Бунинг асосий сабаби коллектив тайёрлаган анчагина маҳсулотни савдо корхоналари сифатсизлиги учун қайтариб юборишди. Бу ерда дарҳол шошилинч чоралар кўрилмаса иккинчи квартал топшириғининг бажарилиши ҳам хавф остида қолиши мумкин.

Шаҳардаги бир қатор машинасозлик корхоналарига аттестация шартлари бузилганлиги учун буюмлардан давлат Сифат белгиси олиб ташланди. Айрим коллективлар эса маҳсулотларини вақтида аттестацияга тайёрлай олмадилар. Бундай камчилик ва лоқайдликлар, шакшубҳасиз, шаҳар миқёсида давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғининг пасайиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари ўтказаётган текширувларда шу нарса маълум бўляптики, жойларда буюмлар сифатини яхшилаш бўйича қатъий чоралар кўрилмаяпти. Назорат вақтида аниқланган камчилик ва нуқсонлар мунтазам такрорланиши одат тусига кириб қоляпти. Масалан, кейинги ойларнинг ўзида 1 ва 2-пойафзал фабрикалари, «Ташкентхлеб», Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қатор кенг истеъмол буюмлари, «Подъёмник», «Ташхимсельмаш» заводларининг айрим маҳсулотларини реализация қилиш тақиқланди.

Катта меҳнат ва маблағ сарфланиб тайёрланадиган буюмларни реализация қилиш таъқиқланиши, корхонага катта жарималар солиниши кимга фойда-ю, кимга зарар? Жойларда бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш ва маҳсулот сифатига бўлган масъулиятни ошириш лозим. Камчиликларни бартараф этиб, кўпроқ харидоргир буюмлар тайёрлаш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур. Бунда иттифоқдош республикалардаги ва мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидаги ўхшаш корхоналарнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, техника тараққиёти йўлини изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Г. ВОҲИДОВА,

Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ходими.



Коммунистик меҳнат зарбдори М. Зуфарова Тошкент ёғ-мой комбинатининг маргарин цехида бир неча йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келади. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшган илғор ишчи айни кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, кунлик смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб келаётир. Шу билан бирга зарбдор ишчи ўз касбини ёшларга қунт билан ўргатмоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори М. Зуфарова.

М. Нуриддинов фотоси.

## Реконструкциялаш йўлидан

КПСС XXVII съездида енгил саноат корхоналари коллективлари олдига катта вазифалар қўйилди. Партия мамлакатимизда жуда катта ишлаб чиқариш фондлари юзага келтирилганлигини ҳисобга олиб, янги беш йилликда мавжуд фондларни реконструкциялаш, техника тараққиёти йўлини изчил давом эттириш, инсон омили ролини ошириш орқали юксак самарадорликка эришишни халқ хўжалигимизни юксалтиришнинг асосий йўли қилиб белгилади. Шаҳримиздаги барча саноат корхоналари коллективлари қатори бизнинг бирлашмамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳам партия белгилаб берган мана шу вазифаларни амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларни ишга соляпти.

Корхонамиз эркаклар учун пиджаклар, костюмлар, қурткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бизда маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолига ҳар жиҳатдан соз буюмлар етказиб бериш йўлида тинмай кураш олиб бориляпти. Ҳозир бирлашмамизда тўртта сифат потоги бор. Шулардан бири бизнинг цехимиздадир. Бу потокда эркаклар учун жилеткалар ишлаб чиқарилади. Коллектив ҳозирги кунда бу маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи тақдимда ва аъло сифатда тайёрлаяпти. Бунда пешқадам чеварлардан М. Рустамова, К. Мирқосимова, М. Эргашхўжаеваларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти.

Бироқ ҳали бизда сифат масаласи узил-кесил ҳал этилганича йўқ. Корхона буюмлари давлат стандарти талабларига мос эмаслиги оқибатида рекламациялар олиб турибди. Харидорлар буюмларимизда тугма тўғри қадалмаслиги, енг яхши ёпиштирилмаслиги, буюмга иссиқлик-намлик ёрдамида яхши ишлов берилмаслиги каби нуқсонлар борлигидан шикоят қилишяпти. Биз бу нуқсонларни бартараф этиш учун қунт билан ижодий меҳнат қиляпмиз. Жумладан, енгдаги тугмани тўғри қадаш учун тикув машиналарига қўшимча мосламалар ўрнатилди. Костюмнинг олдинги тугмаларини қадашни яхшилаш бўйича ҳам тадбирлар белгилаяпмиз.

Корхонамизнинг цехларида тайёрланган буюмларга бизнинг цехимизда иссиқлик-намлик билан ишлов берилади. Лекин цехнинг техника билан қуролланиши ҳозирги юксак талаблар даражасида эмас. Бизда мана ўн икки йилдирки, Венгрия Халқ Республикасида тайёрланган «Паннония» машиналари ишлатиляпти. Ҳозир бу машиналар анча эскиб қолган. Маълумки, корхона турли артикулдаги газламалардан костюмлар тайёрлайди. Ҳар бир газламага иссиқлик-намлик билан ишлов беришда ҳар хил режим бўлиши тақозо этилади. «Паннония» машиналарида эса иссиқлик режимини ўзгартириш анча вақтни олади ва меҳнат унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бирлашмамиз анча вақтдан бери Германия Демократик Республикасидаги «Фордшритт» тикувчилик комбинати билан ҳамкорлик қилиб келяпти. Ўтган йили бизнинг корхонамиз вакиллари дўстлар ҳузурида бўлди. Айни пайтда немис дўстларимиз бизнинг корхонамизда меҳмон бўлишди.

«Фордшритт» тикувчилик комбинатида техника тараққиёти масаласига алоҳида эътибор берилган. Улардаги буюмларга иссиқлик-намлик ёрдамида ишлов берадиган техника воситалари биздагидан анча такомиллашган. Бу машиналар иш вақтини тежаш, кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

Корхоналаримиз ўртасидаги ўзаро келишувга биноан немис дўстларимиз бу йил бизнинг корхонада амалга ошириладиган реконструкцияда иштирок этишга рози бўлишди. Улар цехларимизга ўзларидаги такомиллашган машиналарни ўрнатишади. Бу КПСС XXVII съездида олдинга қўйилган ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, аҳоли учун янада кўп ва сифатли буюмлар тайёрлаш вазифасини ҳал этишимизда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳозир корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкалари қатори бизнинг цехимизда ҳам шу йил ёзда бўладиган реконструкцияга тайёргарлик ишлари кўриляпти.

Б. САИДОВ,

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-цехининг бошлиғи.

## Янги маҳсулот

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида юқори маромда ишлаяпти. Коллектив йил бошидан бери 7.232 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, тўрт ойлик топшириқни ортиғи билан адо этди. Ҳозир май ойи ва иккинчи квартал учун белгиланган планларни барвақт уддалаш учун меҳнат суръатини оширяпти. Бирлашмада цехлар ўртасидаги мусобақада тўқув цехи коллективи пешқадамлик қиляпти. Ҳозир бу ерда ҳар куни 209—210 минг метр юқори сифатли лента тайёрланмоқда. Бу кундалик топшириқда белгиланганидан анча ортиқдир. Цехда йил бошидан бери бир нечта янги хил лента тайёрлаш ўзлаштирилди.

Корхонада смена мастери, коммунист Аброр Абзалов бошлиқ тўқувчилар бригадасини кўпчилик яхши билади. 1984 йилдан бери меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулида ишлаётган бу коллектив ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан ярим йил аввал бажарганди.

Илғор коллектив ҳозирги кунда ҳам жадал суръат билан ишлаяпти. Бригада аъзолари техник лента тайёрлашади. Бу ерда станоклар зонасини зичлаштириш меҳнат ҳажмини 10 процентга камайтириш имконини берди. Коллектив маҳсулотнинг асосий қисмини биринчи сортда тайёрлаяпти.

Ҳозир «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида 70 хилга яқин кенг истеъмол буюмлари тайёрланяпти. Учинчи кварталдан 2 хил сочиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## Юксак ном эгалари

Антонина Ивановна Агофонова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг номи Тошкент тўқимачилик комбинати ип-йигирув фабрикаси ёшлари орасида яхши маълум. Бу бригада коллективи меҳнатнинг илғор усулларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, касб маҳоратини ошириб бориш орқали янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқда. Ҳозирги пайтда коллективда ўртача ойлик план-топшириқларнинг бажарилиши 115 процентни ташкил этмоқда. Бунга коллектив хизмат қилиш зонасини тармоқ нормасига нисбатан 1,5 баробар оширганлиги, меҳнат унумдорлигини қарийб 3 процентга кўтарганлиги туфайли эришмоқда.

Бригада бошлиғи ҳар жиҳатдан коллективга намуна бўляпти. У тармоқ нормасидаги 39 та ўрнига 55 та ғалтакка ип ўраш автоматига хизмат қилмоқда.

Бригадада 13 ишчи бор. Улар ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигига қадар бажаришга аҳд қилишди. Айниқса Улжон Турсинбоева, Нодира Ҳакимова, Нина Еремкина каби комсомол-ёшлар бутун цех коллективга намуна бўлиб ишлашмоқда. Мана шу ишчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли бригада апрель ойи топшириғини 123 процентга етказиб адо этди ва фабрикадаги социалистик мусобақа ғолиби бўлди.

Яқинда Антонина Агофонова бошлиқ мазкур бригадага «Коммунистик меҳнат бригадаси» унвони ва пул мукофоти берилди.

Х. САЙДУЛЛАЕВ,

кўп нусхали «Тўқимачилар овози» газетасининг ходими.

### Шарбатлар тури кўпаймоқда

**Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтининг ходимлари концентрация қилинган (суви камайтирилган) узум шарбати асосида алкоголсиз ичимликларнинг 10 хил янги рецептини ишлаб чиқдилар. Бу ичимликларга ертути, қарағат, малина, ҳар хил мева сувлари қўшилади.**

**Ўзбекистондаги 16 та вино заводидан 14 тасининг цехлари алкоголсиз маҳсулот чиқарадиган бўлди. Шу муносабат билан корхоналарда кўп йиғилиб қолган узум концентратидан фойдаланиш проблемаси келиб чиқди. Янги хил ичимликлар шуни ҳал этишда ёрдам беради.**

Диққат: қизиқарли тажриба

## Қариликни тан олмай

Ригадаги «Рекорд» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчилик участкасининг мастери Анна Тимофеевна Крутихина қандай қарорга келганлигини билганларидан кейин унинг ҳамкасблари ажабланмадилар. Анна Тимофеевна пенсия ёшидан ошгандан кейин ҳам жонажон коллективидан ажралмади. Гап фақат ветераннинг актив ҳаётий позициясида эмас. Маъмуриятнинг ишлаётган пенсионерларга алоҳида иш шароити яратиб берганлиги: қисқартирилган смена, ўзгарувчан график, энг қулай муддатда бериладиган отпуска, узоқ йиллар меҳнат қилиш имконини яратади.

Бу мисол Латвиядаги кўпгина корхоналар учун характерлидир. Олимлар «абадий ёшлик сирлари»ни излаб, бош қотиришаётган пайтда республикадаги пенсионерларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи меҳнат қилишни давом эттириб, уларнинг ўзлари кексаликни истеъфога чиқармоқдалар. Кези келганда айтиш керакки, бу мамлакатдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ветеранларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашаётганлиги кадрлар проблемасини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Аммо бунда социал жиҳатлар ҳам жуда муҳимдир. Ҳозирги вақтда кўпгина корхоналар пенсия ёшига яқинлашган кишилар орасида анкета тарқатиб тўплаган маълумотлар уларнинг ярмидан кўпроғи пенсия ёшига етганидан кейин ҳам ишлаш иштиёқида эканлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун улар моддий жиҳатларни эмас, балки одат бўлиб қолган турмуш тарзини ўзгартирмаслик истагини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Бу эса маънавий қулайлик бўлиши учун жуда муҳимдир.

Республикада ана шу резервдан тўлароқ фойдаланиш, унинг ўзига хос хусусиятларини пухтароқ ҳисобга олиш учун пенсионерларни ишга жойлаштириш юзасидан мувофиқлаштириш кенгаши тузилган. Кенгаш ишига Латвия ССР социал таъминот министрлиги билан меҳнат давлат комитети раҳбарлик қилмоқда. Кадрларни ишга жалб этишдан манфаатдор бўлган министрликлар ва идораларнинг вакиллари кенгашга аъзо қилинди. Кенгаш сўраб билиш, анкета тарқатиш асосида пенсионерлар ишини қандай қилиб оқилона уюштириш ҳақида тавсиялар беради.

Масалан, 35 корхона касаначилик системаси муваффақиятли қўлланмоқда. Бунинг учун катта чиқим қилинмайди, самараси эса салмоқли бўлади. Фақат беш йилликнинг ўзидагина касаначилик меҳнат ҳисобига 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Меҳнат ресурслари камчилигини сезаётган республика учун пенсионерларни ишга жалб этиш— ишчи кадрлар етишмаслигини бартараф этишнинг самарали воситаларидан биридир, — деди ТАСС мухбирига Латвия ССР меҳнат давлат комитетининг раиси В. Чевачин. — Ўн иккинчи беш йилликда биз пенсия ёшидаги кишилардан яна 35 минг кишини меҳнат фаолиятига жалб этишни режалаштиряпмиз.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## Совет-Ангола ҳамкорлиги

ЛУАНДА.

СССР билан Ангола Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари жўшқин ва самарали ривожланиб бормоқда. Ангола халқининг мустақиллик учун кураш йилларидаёқ ана шу дўстлик ва ҳамкорликка мустаҳкам пойдевор қўйилган эди.

Эндиликда икки томонлама ҳамкорлик сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ва бошқа соҳаларни қамраб олган. Совет мутахассислари саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, соғлиқни сақлаш шаҳобчаларини такомиллаштиришда ҳамда миллий кадрлар тайёрлашда Ангола Халқ Республикасига интернационал ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳозир бу республикада Совет Иттифоқидан келган 150 врач ишламоқда. Улар Гиппократ қасамёдига содиқ қолиб юқумли касалликлар ўчоғини йўқотиш кампанияларини уюштирмоқдалар, ирқчи агрессорлар ва уларнинг «Унита» аксилинқилобчи гуруҳларидаги қўғирчоқларига қарши курашда ярадор бўлган ва жароҳатланган кишиларга шошилинч ёрдам кўрсатмоқдалар.

Совет кўприксозлари бу ерда катта обрў қозондилар. Яқинда комиссия советлар мамлакати вакилларининг ёрдамида қайта тикланган 16-кўприкни қабул қилиб олди. Мураккаб шароитларда ишлаётган совет қурувчилари анголаликларга меҳнатга фидокорона муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Уила вилояти қурилиш трестининг директори Э. Ж. Рейш ТАСС мухбирлари билан суҳбатда ана шуларни айтди.

Мустақилликка эришилганидан кейинги йилларда СССРнинг кўмаги билан Анголада экономика, соғлиқни сақлаш ва маориф системалари учун 12 мингга яқин мутахассис тайёрланди. Лубанго шаҳридаги Совет-Ангола дўстлиги номли ҳунар-техника билим юрти Ангола Халқ Республикасида довруғ таратди. Анголалик йигит ва қизлар совет муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталари ёрдамида токарлик, монтёрлик, механиклик, тракторчилик ва ҳайдовчилик касбларини эгалламоқдалар. Ҳунар-техника билим юртида ҳар йили 200 га яқин малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Анголаликлар янги жамият қуришда кўпгина қийинчиликларга дуч келмоқдалар, бу қийинчиликлар АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм авж олдираётган эълон қилинмаган уруш ҳамда ирқчи Жанубий Африка Республикасининг муттасил давом этаётган агрессияси туфайли яна ҳам кескинлашмоқда. Аммо ички ва ташқи реакциянинг барча кирдикорларига қарамай Ангола халқи революция зафарларини қаттиқ туриб химоя қилмоқда, у ўзи танлаган социалистик ривожланиш йўлида собитқадам турибди. Бу йўлда Ангола ўзининг содиқ дўсти ва иттифоқдоши бўлган советлар мамлакатининг ёрдами ва мададига суянмоқда.

## Кўргазма очилди

ЖАКАРТА.

Индонезия пойтахтида СССР ташқи савдо бирлашмаларининг амалий ахборот кўргазмаси очилди. Кўргазма очилиши маросимида сўзга чиққан нотиқлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни яна ҳам ривожлантиришда савдони кенгайтиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

Индонезия томони Жакартада совет кўргазмасини ўтказишга катта эътибор бермоқда. Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа бу ерга келган СССР савдо-саноат палатаси, ташқи савдо министрлиги ва совет ташқи савдо бирлашмаларининг делегациясини қабул қилиб, мамлакатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришда савдо алоқаларини мустаҳкамлашнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

СССР Индонезиядан каучук, пальма мойи, чой, кофе ҳамда «нефтдан бошқа экспорт» қаторига кирадиган товарларни сотиб олмоқда. Давлат хазинасига тушадиган даромадларнинг асосий манбаи бўлган нефтнинг нархи тушиб кетаётган бир шароитда Индонезия ҳукумати ана шундай товарларни сотишга муайян умид боғламоқда. Ўз навбатида Индонезия бозорига совет тракторлари ва бошқа техника тушмоқда. Бу машиналар мамлакатнинг турли вилоятларида кенг қўлланилмоқда.

## Афғонистон ҳақида репортаж

ЛИССАБОН.

Лиссабонда чиқадиган «Диариу» газетаси таниқли Португалия ёзувчиси ва публицисти М. Урбану Родригишнинг Афғонистон ҳақидаги репортажлари туркумини эълон қила бошлади.

Афғонистонга яқинда бориб келган М. Урбану Родригиш буржуазия пропагандасининг гапларига бутунлай қарама-қарши равишда ҳамда империализмнинг республикага қарши эълон қилинмаган уруши давом этаётганлигига қарамай, Кобул хотиржам, нормал ҳаёт кечираётганлигини ёзади. Афғонистоннинг фақат аксилинқилобчиларга қарши курашдагина эмас, балки саводсизлик, касалликларга қарши курашдаги ютуқлари, экономикани ривожлантиришдаги муваффақиятлари ҳам авторда катта таассурот қолдирган.

Сўнгги олти йил ичида Афғонистон пойтахтида шу асрнинг бошидан Апрель революцияси ғалабасигача барпо этилганидан ҳам кўпроқ уй-жой қурилганлигини ёзувчи таъкидлайди. Мамлакатда аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг умуммиллий системаси ишлаб турибди.

Бой халқ анъаналарини сақлаб қолган ҳолда жамиятни революцион тарзда ўзгартириш Афғонистон аҳолисининг бош мақсадидир. Бу жараённи орқага буриб бўлмайди, деб таъкидлайди автор.




Германия Федератив Республикаси. Мамлакатда тинчликни сақлаш, ядро урушига қарши кўплаб митинглар ўтказилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг 300 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларида ер юзида тинчлик бўлишини талаб этган намойишлар бўлиб ўтди. Бу намойишларда сиёсий арбоблар, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишиб, улар мамлакатдаги Америка Қўшма Штатларидан келтирилган қирғин қуролларини бартараф этишни талаб қилишмоқда.

СУРАТДА: тинчлик учун кураш намойишининг қатнашчилари.

# САМАРАЛИ МЕҲНАТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққанига салкам бир йил бўлди. Ўтган даврда Тошкентда ушбу социал хавфли иллатни бартараф этиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Алкоголга қарши пропаганда кучайди, ҳушёр турмуш учун кураш кўнгилли жамиятининг шаҳардаги, районлардаги ҳамда 824 та бошланғич ташкилотлари ишлай бошлади.

Савдо корхоналари ишини қайта қуришга муҳим аҳамият берилди. Қарор чиққанидан кейиноқ спиртли ичимликлар сотилувчи магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари миқдорини камайтириш тадбирлари ишлаб чиқилди, кейин изчил амалга оширила бошланди. Айни пайтда чанқовбосди ичимликлар, музқаймоқ сотилувчи кафелар, барлар сони оширилди. Тошкентликлар бу жойда бўш вақтларини маданий ўтказиш имкониятига эга бўлишди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқувчи вазифалар асосида аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш бўйича ўтказилган семинари қатнашчилари тошкентликларнинг ана шу муҳим ишдаги тажрибаси билан танишдилар.

## Қайта қуриш нимани берди?

Бир йил мобайнида тошкентликларга савдо хизмати кўрсатиш тубдан қайта қурилди. Буни асослаш учун бир нечта рақам келтирамиз. Бугунги кунда 124 та магазинда, бу КПСС Марказий Комитетининг қарори чиқмасдан аввалгидан ўн баравар камдир, шунингдек, 1955 та умумий овқатланиш корхонасидан 25 та йирик ресторан ва кафеда спиртли ичимлик реализация қилинмоқда.

Спиртли ичимлик савдосини қисқартиришнинг ўзи кифоя эмас. Ранг-баранг чанқовбосди ичимликлар билан таъминланган, вақтни кўнгилли ўтказиш мумкин бўлган кафелар, барлар тармоғини ташкил этиш лозим эди. Ниҳоят нисбатан қисқа вақт ичида магазинларда шарбатлар сотилувчи 240 та бўлим, тўртта «Мороженое» кафеси очилди. Умумий овқатланиш тармоқлари бўйича 2500 ўринли 35 та кафе, бар очилди.

Куйбишев район ошхоналар трестининг «Ғунча» болалар кафеси, «Театральное» кафе-мороженоеси ва Киров район ошхоналар трестининг «Ширин» кафеси қошидаги ёшлар бари, «Зарафшон» ресторанининг десерт зали ҳамиша гавжум жойга айланди. Буларда жиҳозларнинг омилкорлик билан жойлаштирилгани, юксак маданий хизмат кўрсатилаётгани туфайли мижозларга ғоят қулайлик яратилган.

Умумий овқатланиш корхоналаридаги кўпгина тадбирлар район комсомол комитетлари билан биргаликда ўтказилмоқда. Ёшлар дискотекалари, донгдор кишилар, санъат, маданият арбоблари билан учрашувлар мунтазам уюштирилмоқда. Масалан, «Лаззат», «Семурғ», «Лола» кафеларида Куйбишев районининг донгдор кишилари, меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан қизиқарли учрашув кечалари бўлиб ўтди. Ресторанларда, кафеларда дам олишни, байрам кунларини ташкил этишга, оилавий маросимларни ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Кўп нарса умумий овқатланиш ходимларининг ижодий ташаббускорлигига, омилкорлигига боғлиқ. Бу нарса «Ширин» кафеси қошидаги ёшлар бари мисолида яққол кўринади. Илгари ичкиликлар сотилган буфет ва эътиборсиз қолган айвон ўрнида маза қилиб дам олинадиган жой барпо этилди. Зал ганч ўймакорлиги, кўзгу-ойналар, ялтироқ тахтачалар билан нафис безатилди. Унинг марказида рангли-музикали нур тобланувчи кўп қиррали кўзгуси бўлган рақс майдончаси қурилди. Эндиликда Киров район комсомол комитети барда дискотекалар, савол-жавоб кечалари, ёшларнинг қизиқишларига кўра учрашувлар ўтказмоқда. Дастурхонга эса шарбатлар, чанқовбосди ичимликлар, мороженое, бутербродлар, турли пишириқлар, кофе қўйилмоқда.

«Дўстлик» ресторани ёнидаги ташландиқ майдонда яқинда «Марс» мороженое-кафеси пайдо бўлди. Шаҳар ресторанлар трестининг «Дўстлик» кафеси залларидан бири десерт-барга айлантирилди. Аввалги кўримсиз буфет ўрнида Куйбишев район ошхоналар трестининг «Ғунча» болалар кафеси қад ростлади. Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин. Булар шаҳарликларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, спиртли ичимликлар сотишни янада камайтириш ишида катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

Амалга оширилган ишлар КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги дастлабки қадамлардир, холос. Айни пайтда ҳозирнинг ўзида равшанки, амалга оширилаётган йўл тошкентликлар ҳаётининг барча томонларига ижобий таъсир кўрсатди. Уларнинг ишлаб чиқаришдаги самараси ошди, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш камайди, шарбатларни, чанқовбосди ичимликларни ва умуман озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш кўпайди. Январь-апрель ойларида шаҳарликларга пландан ташқари 13 миллион сўмлик турли моллар сотилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш яхшиланди. Ўтказилаётган маданий ва жамоатчилик тадбирлари ранг-баранглашди. Ичкиликсиз тўйлар, юбилейлар, оилавий тантаналар кўпайди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни қатъий йўқотиш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилиши учун ҳали кўп иш қилинмоғи даркор. Амалга оширилган ишлар — ичкиликбозликка қарши кураш масалаларидагина эмас, балки КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш юзасидан фаолиятнинг барча соҳаларида иш услуби ва методларини йирик миқёсда туб қайта қуришнинг бошланишидир, холос. Ҳали бу ишда юзакичилик, кампаниячилик учраб турибди. Спиртли ичимликларни сотиш қоидалари бузилиши фактлари рўй бермоқда, кафелар, барлардаги кечалар ҳамиша ҳам мазмунли ўтмаяпти. Хуллас, ичкиликбозликни ҳаётимиздан мутлақо йўқотиш учун қатъият билан ижобий иш олиб бормоқ лозим.







СУРАТЛАРДА: семинар қатнашчилари В. И. Ленин номидаги майдонда жойлашган кафе ҳамда «Зарафшон» ресторани қошидаги кафе иши билан танишмоқдалар.
М. Нуриддинов фотолари.

## Харидор талаби лабораторияси

**Т. ШИРИНОВ,**
**Бекобод район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.**

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай дейилган: «Мамлакатда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш авж олиб кетди. Биз жамият ва инсон соғлиғини деб қатъий чоралар кўришга мажбур бўлдик. Асрлар давомида юзага келган ва ўрнашиб қолган анъаналарга қарши жанг бошладик.» Партиямизнинг кўрсатиб берган бу йўли ҳаёт йўлидир.

Ҳозирги пайтда фирмали магазинлар харидорлар талабини ўрганиш лабораториясидир. Кафеларга одамлар кўплаб келишяпти. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Менинг тасаввуримча, эндиликда кафеларга нисбатан тасаввуримизни мутлақо янгичасига ўзгартирмоғимиз керак. Ҳушёр турмуш учун кураш жамияти каби ташкилотлар эндиликда кафеларда учрашувлар ва суҳбатлар, мунозарали оқшомлар ўтказадиган пайт келди. Биз одамларнинг фикрини ўрганиб, ишимизнинг у ёки бу жиҳатларини тасаввур қилиб оламиз. Яна бир фикр: ресторанлар ва кафеларда концерт программаларини намойиш этишни ташкил этиш яхши бўлур эди. Бундай тадбирлардан чўчимаслик керак. Инсон бундай завқли оқшомларда чинакам яйраб дам олади, севимли музикасини, қўшиғини тинглайди.

Бизнинг умумий ишимизни такомиллаштиришда рационализаторларимиз ва мутахассисларимиз жонбозлик кўрсатишмаётир. Музқаймоқ кафелари учун керакли ускуналарни ким тайёрлайди ва ким етказиб беради. Бу номаълум. Тасаввур этиб кўрайлик: савдо ходими 50 ёки 100 грамм ҳажмли музқаймоқни тарозида тортиш учун неча марталаб ҳаракат қилади, шарбатларни стаканларга қуйиш учун талай вақт сарфлайди. Эндиликда эса биз ишимизни мутлақо бошқача ташкил этадиган вақт келди.

## Ҳушёрлик — ҳаётимиз тарзи

**А. САЛИМОВ,**
**Бухоро шаҳар умумий овқатланиш трести директори.**

— Тошкент республикамизнинг пойтахти. Бу ерда биз ўргансак арзийдиган тажрибалар бор. Аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги-янги усулларини тез жорий этишга, истеъмолчиларнинг бўш вақтини хуштабиат билан ўтказиш мақсадида кафелар, экспресс-барларни қайта реконструкциялаш ёки жиҳозлаш имкониятларини топишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Биз умумий овқатланиш ходимлари одамларнинг, айниқса ёшларнинг бўш вақтини янада яхши ташкил этиш масаласига оқиллик билан қарамоғимиз керак. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай дейилган: «...Асосий гап кишининг турмуш тарзида, хусусан у ўз бўш вақтидан қанчалик оқилона ва ўринли фойдаланишидадир. Бунинг учун имкониятлар мавжуд, лекин ишнинг ташкилий жиҳати анча оқсамоқда. Кўп нарса жамоатчиликнинг ғайрат-шижоатига, аҳолининг ташаббускорлигига боғлиқ. Лекин шаҳар ва қишлоқларда, меҳнат коллективларида ҳам кўпинча кўрсатмалар кутиб ўтиришади ва юқоридан ёрдам бўлади, деб умид қилишади...»

Биз фақат партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда қизиқарли тадбирларни амалга оширишга қодирмиз. Бу борада қадам қўйиляпти, хўрандалар ҳурматига сазовор бўлиняпти. Лекин уларнинг сони ҳам, миқдори ҳам ҳали оз.

**— Акмал Турсунович, бу борада шаҳрингизда қандай ишлар амалга оширилмоқда. Сиз умумий овқатланиш ходими сифатида Бухорони қандай тарзда кўришни тасаввур этган бўлур эдингиз?**

— КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан кейин биз кўпгина савдо корхоналаримизнинг ишини қайта қуришга киришдик. Айниқса янги қурилган массивларда спиртсиз ичимликлар билан савдо қиладиган музқаймоқ кафеларни ташкил этдик. Лабиҳовуз атрофида ишга туширилган янги кафе кўпчиликнинг диққатини жалб этмоқда. Тошкент шаҳрида ўнга яқин кафеларда бўлиб, яхшигина таассурот олдик. Тошкентлик ҳамкасбларимизда биз ўргансак арзийдиган яхши тажрибалар тўпланган.

Ҳозирги пайтда кафелар барчанинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Эндиликда эса мутахассисларимиз савдо корхоналарининг ишини янада жонлантириш учун техника янгиликлари тўғрисида кўпроқ ўйлаб кўришлари керак. Бундай ускуналарни ишлаб чиқиш ҳал этилмоқда. Бизга муз, бир марта ишлатиладиган стаканчалар, қошиқчалар ишлаб чиқарадиган ускуналар, дозаторлар жуда ҳам керак. Бунинг учун савдо жиҳозлари заводи зиммасига бевосита айб қўя оламиз. Шарбатларни яхна қилиш учун рефрижераторлар ҳам ишлаб чиқариш керак. Бир сўз билан айтганда биз ишимизни қанчалик жадаллаштирсак, хизмат маданиятини шу даражада оширган бўламиз.

## Маҳоратга боғлиқ

**М. БОЙНИЁЗОВ,**
**Қорақалпоғистон АССР Савдо министри.**

— Бугунги кунда фақат оқшом чоғида эмас, балки тушликда ҳам одамларнинг музқаймоқ тановул қилиш, шарбат ичиш, ҳамкасблари билан бафуржа суҳбат қуриш, шунчаки нафас ростлаб, дам олиш учун кафеларга марҳамат қилишаётганлигини кўриш қувонарлидир. Тошкент умумий овқатланиш корхоналари иши билан танишганимизда арзон, лаззатли комплекс таомлар диққатимни жалб этди. Бу таомлар учун кўп вақт сарфланмайди. Мен биринчи навбатда кафеларнинг қандай жиҳозланишига эътибор бериб қарадим: қандай ускуналар ўрнатилган, хўрандаларга қандай хизмат кўрсатилмоқда ва қандай лаззатли таомлар бериляпти. Официантларимиз аҳолига хизмат кўрсатишда ҳали кўп нарсани ўрганишлари керакка ўхшайди. Савдо пештахтаси олдида турган ходим саранжом-саришта, маданий кийинган, диққат-эътиборли бўлиши керак. Бу арзимаган гап бўлса ҳам хўрандалар ва харидорларга яхши хизмат кўрсатишда муҳим омилдир. Чунки дам олувчи киши театрга, меҳмонга, кафега жомакор кийиб бормайди. Маиший хизмат кўрсатиш ходими эстрада саҳнасидаги артист каби ҳар томонлама ораста кийинган бўлмоғи керак. Дам олувчи хўрандаларнинг руҳини кўтариш унинг маҳоратига боғлиқ.

## Кинокафеда меҳмонда

**Ф. ХОЛИҚОВА,**
**«Зарафшон» ресторани инженер-технологи.**

— Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимлари доимо янги-янги иш усулларидан хабардор бўлишлари керак. Бу борада силжиш бор. Энг муҳими, биз биринчи навбатда одамларнинг психологиясини шу куннинг талабига мослаштиришга эришдик. Бугунги кунда корхонамизда 12 та точкадан 10 таси спиртсиз ичимликлар билан савдо қилмоқда. Планчи? Эндиликда ҳатто ошириб бажарилмоқда. Яқинда ишга тушган (ҳажм жиҳатидан ихчам) лаззатли луқмалар холи бир кунда 600—650 сўмлаб яхна ичимлик ва музқаймоқ сотмоқда. Бу ерда ранг-баранг лаззатли таомлар, яхна шарбатлар бор. Биринчи Май байрами кунлари корхонамизда Ўрта Осиёда биринчи марта «Кино» кафеси очилди. Бу кафе чиндан ҳам «Кино» деб аталади. Бу ерга марҳамат қилишингиз билан (бинонинг учинчи қавати шунга ажратилган) 5 сўм тўлаб билет олиб буюртма берасиз. 4 сўм 50 тийинга овқатлар, лимонадлар истеъмол қиласиз, истасангиз рақсга тушиб дам оласиз ва фильм-афишани томоша қиласиз. (Бунинг учун кафенинг ўзи ҳар бир кишидан 50 тийиндан ажратади). Бир сўз билан айтганда, сиз кўп овора бўлмасдан, оқшом чоғини завқли ва мазмунли ўтказасиз. Ҳар куни хизмат кўрсатиш соат 19 дан 30 минут ўтганда бошланади.

Бундан ташқари бизда «Гриль-бар» деб аталган кулинария магазини ҳам очилди. Илгари унда спиртли ичимлик билан савдо қилинар эди. Унда уста кондитерлар ишлашмоқда. Улар аҳолини хурсанд қиладиган тўйимли «Творожний», «Юбилейний», «Кофе-ли-сутли» тортларни, қутичаларга солинган кичик пирожнийларни ишлаб чиқаришмоқда.

Ҳозир рационализаторларимиз яна бир янгилик устида ишлашяпти. У дудланган балиқ ва гўшт таомидир. (Бу неъматлар ҳатто 40 даража иссиқда ҳам 36 соат давомида уринмасдан сақланади).

Ҳозирги пайтда республикамизда кўплаб кафелар, шарбат-сув сотадиган дўконлар ишлаб турибди, тажрибалар кўплаб тўпланмоқда. Лекин бу ишларни такомиллаштириш мақсадида ягона координацион совет тузилса айни муддао бўлур эди. Унинг тавсиясига биноан намунали дам олиш кечаларини ўтказиш мумкин.







СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги «Дружба», «Семурғ» ва «Марказ—5» кварталида жойлашган кафеларда дам олиш учун барча шароитлар яратилган.
Т. Каримов фотолари.

Саҳифа материалларини махсус мухбирларимиз Э. Адайкина, А. Ҳатамов, А. Пўлатовлар тайёрлашди.

